“Uzbekistan Airports” АЖ раисининг
2022-йил 3 октябрдаги 548-сон буйруғига
4-ИЛОВА

ПОЛОЖЕНИЕ **об управлении конфликтами интересов в АО “Uzbekistan Airports” и организациях, их территориальных и структурных подразделениях**	**Uzbekistan Airports” АЖ ва унинг ташкилотлари, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш** **УСЛУБИЁТИ**
I. Общие положения 1. Настоящая Методика является внутренним нормативным документом АО “Uzbekistan Airports” и его структурных подразделений (далее - Общество), и определяет процедуры и стандарты контроля и мониторинга за выполнением антикоррупционных процедур и внутренних антикоррупционных положений, принятых в Общество. 2. В настоящей Методике под мониторингом понимается оценка эффективности системы противодействия коррупции и анализ состояния системы противодействия коррупции, который может осуществляться в форме критического изучения с целью снижения коррупционных рисков в Обществе. 3. Настоящая Методика разработана в соответствии с требованиями законодательства Республики Узбекистан, внутренних нормативных актов Общества, а также с учетом лучших мировых практик в сфере борьбы с коррупцией. 4. Мониторинг и контроль за эффективностью антикоррупционных процедур (далее – мониторинг и контроль) осуществляет внутренняя антикоррупционная структура Общество (далее – структура внутреннего контроля). 5. Основными задачами мониторинга и контроля являются: Проверка соответствия деятельности Общество антикоррупционным требованиям; профилактика коррупционных и иных правонарушений, усиление и оценка адекватности антикоррупционных мер и эффективности антикоррупционных процедур; совершенствование системы соблюдения антикоррупционных требований Общества путем выявления и устранения недостатков; Анализ соблюдения обществом внутренних антикоррупционных правил и процедур; Выявление показателей коррупционных рисков в деятельности Общество;	**I. Умумий қоидалар** 1. Мазкур Услубиёт “Uzbekistan Airports” АЖ ва унинг ташкилотлари, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг (кейинги ўринларда – Ташкилот) ички норматив ҳужжати ҳисобланади ва Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички норматив ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди. 2. Мазкур Услубиётда мониторинг деганда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда Ташкилот фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида текшириш, назорат деганда танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади. 3. Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ташкилотнинг ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. 4. Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш (кейинги ўринларда –мониторинг ва назорат) Ташкилотнинг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – ички назорат тузилмаси) томонидан амалга оширилади. 5. Мониторинг ва назоратнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади: Ташкилот фаолиятининг коррупцияга қарши қабул қилинган талабларга мувофиқлигини текшириш; коррупцияга оид ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва коррупцияга қарши

анализ выполнения мероприятий, направленных на своевременное выявление и урегулирование конфликта интересов; Выявление несоблюдения иных процедур Общество, направленных на снижение коррупционных рисков; Контроль соблюдения организацией предыдущих результатов мониторинга и антикоррупционных процедур, служебных проверок, внутренних аудитов, других контрольных мероприятий и рекомендаций, а также выполнение иных мероприятий, утвержденных в плане противодействия коррупции; 6. Для целей настоящей Методики используются следующие основные понятия: **подрядчик (партнер по контракту)** – Любое юридическое или физическое лицо, вступившее в договорные отношения с организацией (кроме трудовых); **коррупционная практика** – материальная заинтересованность сотрудника прямо или косвенно, лично или через третьих лиц, в интересах взяткодателя, в том числе денег, ценных бумаг, иного имущества и имущественных прав, получение имущественных услуг, требование произвести, взыскать, предложить или дать взятки и/или получать или посредничать в этом, взимать плату за упрощение процедур (взяточничество) и незаконное использование своих служебных обязанностей в иных незаконных целях; **коррупция** – неправомерное использование своего положения или служебного положения в личных целях, либо получение материальных или нематериальных благ в интересах других лиц, а равно незаконное предоставление таких благ; **антикоррупционная система –** комплексные меры по недопущению нарушений антикоррупционного законодательства, законодательства Республики Узбекистан в сфере противодействия коррупции и внутренних документов Общества по противодействию коррупции, обеспечению высокого уровня профессионализма и поведения сотрудников Общества; **соответствующая информация –** Информация, содержащая сведения о коррупционных действиях и (или) конфликте интересов в Обществе; **сотрудник** – Лицо, вступившее в трудовые отношения с обществом.	тадбиқ этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш ва баҳолаш; камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали Ташкилотнинг коррупцияга қарши комплаенс тизимини такомиллаштириш; Ташкилотнинг коррупцияга қарши ички норматив ҳужжатлари ва тартиб-таомилларига риоя қилинишини таҳлил қилиш; Ташкилот фаолиятида коррупция хавф-хатарлар индикаторларини аниқлаш; манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш; Ташкилотнинг коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган бошқа тартиб-таомилларининг бажарилмаганлигини аниқлаш; Ташкилотда аввалги ўтказилган мониторинг натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари, бошқа назорат чоралари ва улар доирасида тақдим этилган тавсияларга риоя қилиниши, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш режасида тасдиқланган бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш; 6. Ушбу Услубиёт мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади: **контрагент (шартномавий шерик)** – Ташкилот билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс; **коррупциявий харакатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш; **коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

	коррупцияга қарши тизим – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Ташкилот ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва хулқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар; **релевант хабар –** Ташкилотдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган ахборот; **ходим** – Ташкилот билан меҳнат муносабатларига киришган шахс.
II. Направления и меры наблюдения и контроля 7. Общество осуществляет антикоррупционный **мониторинг** по следующим ключевым направлениям: мониторинг актуальности ведомственной системы противодействия коррупции и ее соответствия требованиям законодательства, в том числе международным стандартам; мониторинг наличия информации в СМИ о коррупционных действиях сотрудников Общества или ее подрядчиков; Мониторинг информированности сотрудников Общества об основных принципах и требованиях противодействия коррупции. 8. **Контроль** антикоррупционной системы в Обществе осуществляется по следующим направлениям: контроль за выполнением антикоррупционных программ, дорожных карт; контроль за соблюдением антикоррупционных требований и процедур в Обществе.	**II. Мониторинг ва назорат ўтказиш йўналишлари ва тадбирлари** 7. Ташкилотда қуйидаги асосий йўналишлар бўйича коррупцияга қарши **мониторинг** ўтказилади: идоравий коррупцияга қарши тизим тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги; оммавий ахборот воситаларида Ташкилот ходимларининг ёки унинг контрагентларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги; Ташкилот ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги. 8. Ташкилотдаги коррупцияга қарши тизимнинг **назорати** қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади: коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат; ташкилотдаги коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат.
III. Порядок осуществления контроля за ведомственной системой противодействия коррупции 9. Мониторинг актуальности ведомственной системы противодействия коррупции и ее соответствия требованиям законодательства, в том числе требованиям международных стандартов (например, решения Национального совета Республики Узбекистан по противодействию коррупции, предписания Агентства по противодействию коррупции, рекомендации международных и зарубежных организаций) осуществляется Структурой внутреннего	**III. Идоравий коррупцияга қарши тизим мониторингини ўтказиш тартиби** 9. Идоравий коррупцияга қарши курашиш тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) томонидан доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашга оид қонунчилиги ва бошқа коррупцияга оид талабларни (масалан, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш

контроля против коррупции (далее - структура внутреннего контроля) При этом в случае необходимости Структура внутреннего контроля по результатам мониторинга разрабатывает и представляет на утверждение руководителю Общество проекты новых документов, мероприятий по совершенствованию системы противодействия коррупции в Общество, внесению изменений во внутренние ведомственные документы. 10. Контроль за наличием информации в СМИ о коррупционном поведении сотрудников Общества осуществляется информационной службой Общества посредством регулярного мониторинга СМИ и социальных сетей. При выявлении в ходе мониторинга соответствующего сообщения, относящегося к сотруднику, внутренние мероприятия о фактах коррупции и неправомерных действий сотрудников Общества проводятся в порядке, установленном внутренним ведомственным документом. 11. Проверка осведомленности сотрудников Общества об основных принципах и требованиях противодействия коррупции осуществляется Структурой внутреннего контроля один раз в полгода. Информированность сотрудников проводится в соответствии с системой проверки осведомленности сотрудников о принципах и требованиях противодействия коррупции, перечисленных в приложении 1 к настоящей методике, которая включает в себя: определение участия сотрудников Общества в проверке на конкурсной основе (минимальное количество сотрудников, участвующих в проверке, - 6 человек из разных структур Общества, занимающих разные должности); составление списка вопросов в соответствии с принципами противодействия коррупции и требованиями Общества (ситуационные задания - с решением) минимальное количество вопросов 10, могут быть выполнены в виде тестов, открытых вопросов или иным образом; рассылка контрольных вопросов выбранному сотруднику для предоставления ответов/решений; анализ результатов и выполнения требовании и процедур противодействия коррупции и обсуждение с персоналом всех трудностей их соблюдения. 12. Сведения о мониторинге и его результатах вносятся в форму согласно приложению 2.	агентлигининг кўрсатмалари, халқаро ва чет эл ташкилотлари тавсиялари) кузатиб бориш йўли билан амалга оширилади. Бунда, зарурат туғилганда Ички назорат тузилмаси мониторинг якунлари бўйича Ташкилотдаги коррупцияга қарши тизимини такомиллаштириш, ички идоравий ҳужжатларни ўзгартириш ёки янги ҳужжатлар, чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ташкилот раҳбарига киритади. 10. Оммавий ахборот воситаларида Ташкилот ходимларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги, ташкилот ахборот хизмати томонидан доимий равишда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларни кузатиш орқали амалга оширилади. Мониторинг натижасида ходимга алоқадор релевант хабар аниқланганда Ташкилотдаги ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда ҳаракат қилинади. 11. Ташкилот ходимларининг асосий коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш Ички назорат тузилмаси томонидан ярим йилда бир марта амалга оширилади. Ходимларнинг хабардорлиги мазкур услубиётга 1-иловада келтирилган ходимларининг коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш тизимига мувофиқ ўтказилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: танлов асосда Ташкилот ходимларининг текширувда иштирокини аниқлаш (сўровда қатнашадиган ходимларнинг минимал сони Ташкилотнинг турли тузилмаларидан турли лавозимларни эгаллаган 6 киши); коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва Ташкилот талабларига мувофиқ саволлар рўйхатини тузиш (вазиятли топшириқлар - кейсларни ечиш билан) саволларнинг минимал сони 10 та, тест, очиқ саволлар ёки бошқа шаклда тузилиши мумкин); жавоб/ечимларни тақдим қилиш учун танланган ходимларга назорат саволларини юбориш; натижаларни таҳлил қилиш ва коррупцияга қарши курашиш талаблари ва тартиб-таомилларини тушуниш ва уларга риоя

	қилишдаги қийинчиликларни ходимлар билан муҳокама қилиш. 12. Ўтказилган мониторинг ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборот 2-иловага мувофиқ шаклда журналга киритилади.
IV. Осуществление контроля за антикоррупционной системой в Обществе 13. Контроль за реализацией антикоррупционных программ Общества, дорожных карт осуществляется при подготовке отчета в соответствии с внутриведомственным документом о формировании и представлении отчета о состоянии антикоррупционной системы. 14. Контроль за соблюдением антикоррупционных требований и процедур является функцией антикоррупционной системы Общества, процедуры проводятся в отношении мер, которые должны быть внедрены и реализованы в Общество в отношении установок, наиболее подверженных коррупционным рискам, в целях противодействия коррупции. 15. С учетом специфики деятельности Общества в периметр контроля за соблюдением антикоррупционных требований и процедур могут быть включены следующие процессы: закупочная деятельность; подарки, командировочные расходы; взаимодействие с поднадзорными организациями; расходование финансовых ресурсов; управление персоналом (подбор, назначение, продвижение по службе), поощрения и другие виды вознаграждения. 16. Данный перечень мероприятий по контролю за соблюдением антикоррупционных требований и процедур ежегодно пересматривается Службой внутреннего надзора по результатам оценки коррупционных рисков и, в части процессов, опасных с коррупционной точки зрения или не имеющих отношения к Обществу. Внесение изменений и дополнений осуществляется путем внесения изменений и дополнений по согласованию с Руководителем Общества и его соответствующими подразделениями. 17. Антикоррупционный мониторинг одного или нескольких опасных процессов осуществляется периодически, но не реже 1 (одного) раза в квартал в соответствии с планом Общества антикоррупционного мониторинга и контроля. 18. План контроля за соблюдением антикоррупционных требований и процедур	**IV. Ташкилотдаги коррупцияга қарши тизимнинг назоратини амалга ошириш** 13. Ташкилотнинг коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички идоравий ҳужжатга мувофиқ ҳисобот тузиш давомида амалга оширилади. 14. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат Ташкилотдаги коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил қиладиган функция, тартиб-таомиллар, коррупцияга қарши курашиш мақсадида коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган муносабатларга нисбатан Ташкилотда жорий этиладиган ва амалга ошириладиган чора-тадбирларга нисбатан амалга оширилади. 15. Ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат периметрига қуйидаги хавфли жараёнлар киритилиши мумкин: харидлар бўйича фаолият; совғалар, хизмат сафарлари харажатлари; фаолияти назорат қилинувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик; молиявий маблағларни сарфланиши; персонални бошқариш (кадрларни танлаш, тайинлаш, лавозимини хизмат) ошириш, мукофотлаш ва бошқа кўринишдаги рағбатлантириш). 16. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат олиб бориладиган фаолият жараёнларининг кўрсатилган рўйхати ҳар йили коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш натижаларига кўра Ички назорат тузилмаси томонидан кўриб чиқилади ва агар лозим бўлса, коррупция нуқтаи назаридан хавфли бўлган ёки Ташкилот учун долзарб бўлмаган жараёнлар нуқтаи-назаридан, Ташкилот раҳбари ва Ташкилотнинг тегишли бўлимлари билан келишилган ҳолда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали тузатиш киритилади.

разрабатывается Службой внутреннего контроля на два календарных года с 15 января текущего года и охватывает все процессы, периоды проверок, указанные в настоящей Методике (пункты 15 и 16). При этом последовательность и распределение процессов, подлежащих проверке в соответствующем квартале основными или иными методами, в зависимости от уровня остаточного риска по результатам оценки рисков в порядке, установленном Структурой внутреннего контроля в соответствии с действующими методическими рекомендациями. 19. Подготовленный план контроля за соблюдением антикоррупционных требований и процедур должен быть утвержден руководителем Общества до 31 января. 20. Контроль за соблюдением внеплановых антикоррупционных требований и процедур в Обществе может осуществляться в следующих случаях: при наличии соответствующего приказа руководителя Общества; если прочие расследования, проводимые в Общество (в том числе формальные проверки, внутренние аудиты и т. д.), выявляют риски коррупции; в случае поступления соответствующего сообщения по каналам связи Общества. 21. Контрольные мероприятия должны осуществляться в форме проверок, в том числе по выявлению признаков коррупции, которые могут включать следующие процедуры: сопоставление данных заключенных организацией договоров с документами приемки-сдачи товаров или услуг, работ; фактическое приобретение и использование товаров или оказание услуг, сопоставление отчетов о выполнении работ с их количеством и качеством в порядке, установленном соответствующими договорами и документами; По результатам проверки исполнителя или кандидата на прием в Общество проверка полноты сведений, содержащихся в представленных на анализ документах, и проверка содержания источника информации, а также сведений, предоставленных исполнителем или кандидатом в договоре, проверка соответствия данных проверяемого лица; проверка наличия у исполнителя и Общества, в том числе согласующих лиц, полномочий подписавших иные распорядительные документы договора, визуальная сверка представленных документов с подписями уполномоченных лиц;	17. Бир ёки бир нечта хавфли жараёнларга нисбатан коррупцияга қарши назорат даврий оралиқда, лекин Ташкилотнинг коррупцияга қарши мониторинг ва назорат режасига мувофиқ ҳар чоракда камида 1 (бир) марта амалга оширилади. 18. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси икки календарь йилга мўлжаллаб Ички назорат тузилмаси томонидан жорий йилнинг 15 январига қадар шакллантирилади ва ушбу Услубиётда кўрсатилган (15 ва 16-бандлар) Ташкилотнинг барча жараёнларини, текшириладиган даври ва текширув муддатларини ўз ичига олиши керак. Шу билан бирга, тегишли чоракда текширилиши керак бўлган хавф-хатар жараёнларининг кетма-кетлиги ва тақсимланиш жараёни Ташкилотнинг коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ички идоравий ҳужжатида кўрсатилган, меҳнат ресурслари билан таъминлаган ҳолда қонунбузарликлар тўғрисида хабар бериш каналлари ёки бошқа усуллар орқали, раҳбариятдан олинган жорий кўрсатмаларга кўра Ички назорат тузилмаси томонидан белгиланган тартибда хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича жараёнларнинг қолдиқ хавф даражасига қараб амалга оширилади. 19. Тайёрланган Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси 31 январга қадар Ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланиши керак. 20. Ташкилотда режадан ташқари Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат чоралари қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин: агар Ташкилот раҳбарининг тегишли буйруғи мавжуд бўлса; Ташкилотда ўтказилган бошқа текширувлар (шу жумладан расмий текширувлар, ички аудиторлик текширувлари ва бошқалар) давомида коррупция хатарлари аниқланганда; Ташкилотнинг алоқа каналлари орқали тегишли хабар олинган тақдирда. 21. Назорат тадбирлари текширув шаклида ўтказилиб, шу жумладан, коррупциявий ҳаракатларнинг индикаторларини аниқлашга қаратилган бўлиши керак, улар доирасида қуйидаги тартиб-таомиллар ҳам амалга оширилиши мумкин:

сопоставление реквизитов контрагента и суммы соответствующего договора с данными бухгалтерского учета; Проверка представленных организацией или сотрудниками подрядчика документов на наличие признаков исправления, удаления, подлога; проверка наличия объявлений в необходимых СМИ в соответствии с законодательством и внутренними документами Общество (сведения о публикации конкурсных закупочных процедур и т.п.); Проведение интервью с персоналом Общества для получения дополнительной информации и комментариев по возникающим вопросам. 22. По окончании контрольных мероприятий составляется справочник (далее - Справочник), который должен включать вводную, описательную и заключительную части и обычно включает в себя: **Вводная часть:** Даты начала и окончания контроля для каждой задачи и процедуры; список задач и процедур, подлежащих мониторингу; перечень подразделений и лиц, ответственных за выполнение курируемых задач и процедур; ФИО лица, ответственного за составление отчета. **Описательная часть:** метод и объем выбора для каждой контролируемой задачи и процедуры; Выявленные нарушения и недостатки антикоррупционной системы Общества, в том числе причины и условия, способствовавшие возникновению или развитию недостатков. **Заключительная часть:** отчет о наличии или отсутствии коррупционных рисков по каждой из контролируемых задач и процедур; Нарушение законодательства Республики Узбекистан, основные нарушения внутренних документов Общества; рекомендации по устранению нарушений или недостатков, выявленных в ходе проверки; 23. Копии подтверждающих документов, ссылки и выписки (по возможности) должны быть приложены к справочнику. 24. Справочник представляется руководителю Общества и информация о проведенном контроле заносится в Журнал по форме согласно приложению 1.	Ташкилот томонидан тузилган шартномалар маълумотларини товарларни қабул қилиш ва топшириш ҳужжатлари ёки хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш ҳужжатлари билан солиштириш; товарларни ҳақиқий сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ёки хизматлар кўрсатиш, ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни уларнинг миқдори ва сифати билан тегишли шартнома ва ҳужжатларда белгиланган тартибда солиштириш; Контрагентни ёки Ташкилотда ишлашга номзодни текшириш натижаларига асосланган хулосада акс эттиришнинг тўлиқлигини, таҳлил қилиш учун тақдим этилган ва ахборот манбасининг мазмунини қайд қилувчи ҳужжатлар таркибидаги маълумотларнинг тўлиқлигини текшириш, шунингдек, контрагент ёки ишлашга номзоднинг шартномада кўрсатилган маълумотлари ва текширувдан ўтган шахснинг маълумотларининг мувофиқлигини текшириш; контрагент ва Ташкилот, шу жумладан, мувофиқлаштирувчи шахслар томонидан шартнома бошқа маъмурий ҳужжатлар имзоловчиларининг ваколатлари мавжудлигини текшириш, тақдим этилган ҳужжатларни ваколатли шахсларнинг имзолари билан визуал равишда мослигини солиштириш; контрагентнинг реквизитларини ва тегишли шартнома бўйича суммани бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш; Ташкилот ёки контрагент ходимлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларида тузатиш, ўчириш, сохталаштириш белгилари йўқлигини текшириш; қонун ҳужжатларига ва Ташкилотнинг ички ҳужжатларига мувофиқ талаб этиладиган оммавий ахборот манбаларида эълонларнинг мавжудлигини текшириш (рақобатлашув харид қилиш тартиб-таомилларининг эълон қилинганлиги тўғрисида маълумот ва бошқалар.); пайдо бўлаётган масалалар бўйича қўшимча маълумот ва изоҳлар олиш учун Ташкилот ходимлари билан суҳбат. 22. Назорат тадбирлари якунида маълумотнома тузилади (кейинги ўринларда-Маълумотнома деб юритилади), у кириш, тавсифловчи ва якуний қисмларни ўз ичига олиши лозим ва уларда, одатда, қуйидагилар кўрсатилади: **Кириш қисмида:** Ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар учун назоратнинг бошланиш ва тугалланиш саналари;

	назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомиллар рўйхати; назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомилларни бажаришга масъул бўлган бўлимлар ва шахслар рўйхати; Ҳисоботни тузиш учун масъул ходимнинг ФИШ. **Тавсифловчи қисмида:** назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар бўйича танлов амалга оширилиши усули ва танлаш ҳажми; Ташкилот коррупцияга қарши тизимининг аниқланган коидабузилишлари ва камчиликлари, шу жумладан, камчиликларнинг пайдо бўлиши ёки ривожланишига ҳисса қўшган сабаблар ва шароитлар. **Якуний қисмида:** назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомилларда коррупция хатарларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса; Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилган нормалари, Ташкилотнинг ички ҳужжатлари кўрсатилган асосий қоидабузарликлар; назорат ўтказиш вақтида аниқланган қоидабузарлик ёки камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар; 23. Маълумотномага киритилган маълумот-ларни тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳаволалар ва кўчирмалар нусхалари(иложи бўлса) илова қилиниши керак. 24. Маълумотнома Ташкилот раҳбарига тақдим этилади ҳамда ўтказилган назорат тўғрисидаги маълумот 1-иловага мувофиқ шаклда Журналга киритилади.
V. Заключительные положения 25. Рекомендации по результатам мониторинга и контроля будут включены в антикоррупционную программу Общества. 26. Руководители подразделений Общества несут персональную ответственность за выполнение рекомендаций, выработанных по результатам мониторинга и контроля, предоставление информации в Структуру внутреннего контроля о проделанной работе.	**V. Якуний қоидалар** 25. Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш дастурига киритилади. 26. Мониторинг ва назорат якунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни бажариш, амалга оширилган ишлар ҳақида Ички назорат тузилмасига тегишли маълумотлар тақдим этилиши учун Ташкилот таркибий бўлинмалари раҳбарлари шахсан жавобгардир.